

ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДА “МУҲАББАТ” КОНЦЕПТИ МАДАНИЯТ ФЕНОМЕНИ СИФАТИДА

Саъдуллаева Мадина Қосимовна, Бух ДУ

2-курс таянч докторанти

<https://sadulayevamadina7gmail.com>

Annotation:

This article analyzes the role of the concept of "love" in Uzbek folk proverbs as a cultural phenomenon. Love is examined from a linguocultural perspective, within the framework of the relationship between language and culture, as a complex and multifaceted aspect of human life. Through proverbs that reflect the values of love, the moral, aesthetic, and social worldview of the Uzbek people is revealed. A comparative analysis of English and Uzbek proverbs highlights the differences in attitudes toward love and hatred across different cultures.

Keywords: love concept, Uzbek proverbs, linguoculturology, cultural phenomenon, folk wisdom, loyalty, aesthetic values, social relations.

Аннотация: В данной статье анализируется роль концепта «любовь» в узбекских народных пословицах как культурного феномена. Любовь рассматривается с лингвокультурологической точки зрения в рамках взаимосвязи языка и культуры как сложное и многогранное явление в жизни человека. Через пословицы, отражающие ценности любви, раскрывается нравственное, эстетическое и социальное мировоззрение узбекского народа. Сравнительный анализ английских и узбекских пословиц позволяет выявить различия в отношении к любви и ненависти в различных культурах.

Ключевые слова: концепт любви, узбекские пословицы, лингвокультурология, культурный феномен, народная мудрость, преданность, эстетические ценности, социальные отношения.

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек халқ мақолларида “муҳаббат” концептининг маданият феномени сифатидаги ўрни таҳлил қилинади. Мақолада муҳаббатнинг инсон ҳаётидаги мураккаб ва кўп қиррали моҳияти тил ва маданият алоқаси доирасида лингвокультурологик ёндашув асосида ўрганилади. Мақолларда ифодаланган муҳаббат қадриятлари орқали ўзбек халқининг ахлоқий, эстетик ва ижтимоий дунёқараши ёритилади. Инглиз ва ўзбек мақолларининг қиёсий таҳлили асосида эса турли маданиятларда муҳаббат ва нафратга бўлган муносабатлар очиб берилади.

Калит сўзлар: “муҳаббат” концепти, ўзбек халқ мақоллари, лингвокультурология, маданият феномени, халқ донишмандлиги, садоқат, эстетик қадриятлар, ижтимоий муносабатлар.

Муҳаббат – инсон ҳаётининг деярли барча жабҳалари билан боғлиқ бўлган кўп қиррали тушунчадир. Шу сабабли севги фалсафа, психология, социология, антропология каби фанлар нуқтаи назаридан ўрганилади. Ҳар бир фан бу ҳодисанинг турли жиҳатларини ёритиб, унинг мураккаб характерини ёритиб беради. “Муҳаббат” концептига оид лингвистик ёндашувлар орасида лингвокультурологик ёндашувлар тадқиқотчиларнинг асосий эътибор марказида туради.

Лингвокультурологик тадқиқотлар тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатларига эътибор қаратиб, нутқни ўзлаштириш, сақлаш, ҳосил қилиш ва тушунишга асос бўлган маданий жараёнларни тушунтиришга интилади. Яъни тил шакллари ва уларнинг қўлланилиши қандай қилиб концептуализациядан (тушунчадан) келиб чиқишини, инсон тажрибасининг қандай қабул қилиниши ва онда шаклланишини изоҳлайди. Шундай қилиб, шахснинг билимга оид ифодаланган шакллари ўрганиш ҳамда мулоқот қилувчиларнинг тил орқали яратилган дунё манзарасини (лингвистик образини) қайта тиклаш замонавий лингвистик тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Шу жумладан, “Маданият – жамиятнинг маҳсули, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим жабҳаларидан биридир. Маданиятсиз жамият бўлмаганидек, маданият ҳам жамиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди. Мураккаб ижтимоий воқелик сифатида маданиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у инсоният авлодларининг меҳнати ва билимларини ўзига сингдириб олади, сақлайди ва доимий бойитиб боради. Маданият ижтимоий ҳаётнинг ворислиги, қадриятларини тўплаши ва уларни келгуси авлодларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган соҳаларни ифодалайди.” [1, 8-9 б.]

“Муҳаббат” кўп қиррали макон ва замон танламас тушунча бўлиб паремиологиянинг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Халқ анъаналари, қадриятлари, шу билан бирга унинг руҳиятини ўзида жамлаган мақолларда “муҳаббат” мавзуси чегара билмас мавзулар қаторида туради. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “муҳаббат”га қуйидагича изоҳ берилади. Муҳаббат – [севги, ишқ; боғланиш] 1. Кимсаларнинг кимсаларга қалбдан берилиш ҳисси; севги ишқ. Муҳаббат чирой танламас, Уйқу – ўрин. – Қиз Йўлчини чуқур севар, унинг ёлғиз исмини эшитиши билан юраги тўлқинланар эди. Бу муҳаббат қизнинг кўнглига ёз чоғи... саратон қуёши билан кирган эди. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳаммаси жойида, фақат ўртайди Висолни қўмсаган оташ муҳаббат. Г. Жўраева, Иқбол.

2. Бировга, бирон нарса ёки ишга берилиш, мойиллик туйғуси, меҳр. Муסיқага муҳаббат кўймоқ. – Полвонларнинг бирига муҳаббат, иккинчисига нафрат билан қараб турган халқ кўзида, унинг ҳаяжонли юзида икки дунё кўриниши акс этган эди. М.Исмойлий, Фарғона т.о. Отам бўлмасангиз ҳам, мени оталик муҳаббати билан севган содиқ ва меҳрибон кишимсиз, яъни маънавий отам. А.Қодирий, Ўтган кунлар.

3. Муҳаббат (хотин-қизлар) исми. [2, 250 б.]

Муҳаббат туйғусининг ўзбек халқи тафққуридаги ўрнини ўрганиш давомида шунга гувоҳ бўламизки, бу туйғунинг моҳиятини ва чегарасини аниқлаш мушкул, бу туйғу тафаккур доирамиздан анча кенг ахлоқий тамойилларни белгилайди. Муҳаббат тушунчаси маълум бир тарзда бутун жамият ҳаётининг кўп жабҳаларига таъсир қилади. Муҳаббат – мураккаб ва ноаниқ ҳодиса бўлиши билан бир қаторда унда маънавий, шахсий, шунингдек, ижтимоий омилларнинг кесишувини кўрамиз. Муҳаббат туйғусини қиз ва йигитнинг ишқий муносабати сифатида қабул қилиб бўлмайди, аксинча бу туйғу жамият ҳаёти учун умумий, ҳар бир шахс учун эса хусусий, такрорланмас, тафаккур ва биологик эҳтиёж маҳсули. Маҳаббат шахс психикаси, физиологик ва биологик ҳолатидан келиб чиқиб турли кўринишларда ривожланади. У фақат романтик туйғу эмас, балки инсонлар орасидаги ўзаро ҳурмат, садоқат, оилавий қадрият, вафо каби тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ. Мақоллар орқали ушбу туйғунинг ифодаланиш услуби, маданий ва ахлоқий қирралари аниқлаштириш мумкин.

Концептуал таҳлил – тил ва тафаккур ўртасидаги муносабатни очиб берувчи метод бўлиб, муайян халқ вакилларининг дунёни қандай идрок этишини тушунишга имкон беради. Муҳаббат универсал тушунча бўлса-да, ҳар бир халқда у ўзига хос тарзда талқин этилади. Концепт сифатида муҳаббат семантик жиҳатдан қуйидаги субконцептларга эга: *севгининг гўзаллиги, вафо ва садоқат, машаққатли муҳаббат, яширин муҳаббат, ота-онага бўлган муҳаббат, ватан муҳаббати* ва ҳ.к.

Бу субконцептлар ҳар бир халқнинг маданий, диний, тарихий ва ижтимоий тажрибаси билан шаклланган. Шу сабабли мақоллар орқали муҳаббат концепциясини таҳлил қилиш, аслида, миллий маданиятни таҳлил қилишдир.

Ўзбек мақолларида муҳаббат кенг кўламда ёритилган. Қуйида уни айрим тематик йўналишлар асосида таҳлил қиламиз:

1. Садоқат ва вафо концептлари. “Бевафода ҳаё йўқ”, “Бевафо ёрдан вафодор ит яхши, Бевафо ёрдан осилган дор яхши”, “Бевафонинг асли кўнгли бегона, Бевафога кўнгил кўйган девона”, “Бевафо ёр – жонингга дор”, “Бевафо

дўстан таёқ яхши, Бебахра гулдан – япроқ”, “Вафоли кул – жафоли кул”, “Вафосизга берилма, Вафолидан айрилма”, “Вафосизда ҳаё йўқ, Ҳаёсизда вафо йўқ.”

Бу мақоллар муҳаббатда садоқат ва вафо муҳим асос эканини кўрсатади. Улар орқали муҳаббат фақат ҳис-туйғу эмас, балки иродавий ва ахлоқий позиция эканлиги таъкидланади. Вафодорлик – муҳаббатнинг умрбоқийлигини кафолатловчи қадрият сифатида талқин этилади.

2. Муҳаббат ва сабр. “Мард йигитга севги – синов”, “Севгида зорлик бор, Зўрлик йўқ”, “Пўлат – оловда, Севги ҳижронда синалар”.

Бу мақоллар севги йўлида сабр, бардош зарурлигини кўрсатади. Шунингдек, муҳаббат инсонни рухий жиҳатдан етукликка олиб борувчи куч сифатида ифодаланади.

3. Яширин муҳаббат. “Кўз қарашин қўймас, кўнгил дийдорга тўймас”, “Йигит меҳри – кўзида”, “Ўрдак билан суқсурнинг сув кечишгани хўбдир, Ошиқ маъшукнинг кўз уруштиргани хўбдир”.

Бу мақолларда муҳаббат ички ҳолат, кўнгил ҳолати сифатида тасвирланади. У фақат оғзаки эмас, балки ҳаракат ва нигоҳ орқали ифодаланади.

4. Муҳаббат ва оила. “Икки ошиқ бир бўлса, куймайди бағри қоралар”, “Ишқсиз ҳаёт бўлмас, ҳаётсиз ишқ”. Ушбу мақоллар муҳаббатнинг жамиятдаги асосий ижтимоий институт — оиланинг барқарорлигига таъсирини кўрсатади. Муҳаббат оилавий бахтнинг, фаровонлик ва баракотнинг негизи сифатида талқин этилади.

Муҳаббатни фақат шахсий ҳис сифатида эмас, балки *маданий феномен* сифатида кўриш муҳимдир. Чунки у:

- *Ахлоқий нормаларни* шакллантиради (масалан, садоқат, ҳалоллик);
- *Ижтимоий институтларни* (оила, никоҳ) мустаҳкамлайди;
- *Эстетик қарашларни* (гўзаллик, меҳр, эътибор) тарбиялайди;
- *Миллий қадриятларни* сақлайди (вафодорлик, ҳаёли севги, қадрдонлик).

Мақоллар орқали халқнинг муҳаббатга бўлган қарашлари, унга қўйилган талаблар, ижтимоий роль ва идеал шакллар аниқланади. Шунингдек, уларни ўрганиш орқали ёш авлодга миллий қадриятларни етказиш мумкин.

“Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences” журналида “Инглиз ва ўзбек тилларида муҳаббат ва нафрат концептига оид мақолларнинг чоғиштирма тадқиқи” мавзусидаги мақоласида инглиз ва ўзбек халқ мақолларини қиёсий таҳлил қилади ва қуйидагича хулосага келади: “Ўзбек мақолларида ахлоқий панд-насихат, инсонийлик ва маънавий қадриятлар устунлик қилса; инглиз мақолларида ҳаётий тажриба, прагматизм ва реалистик

ёндашув кучлироқ ифодаланган. “Муҳаббат” концепти ҳар иккала тилда ҳам юксак қадрият сифатида қабул қилинган бўлса-да, уларнинг талқини фарқлидир. Ўзбек мақолларида муҳаббат кўпроқ фидойилик, садоқат ва ҳурмат билан боғлиқ бўлса; инглиз мақолларида у инсон ҳаётининг мураккаб, баъзан эса оғриқли жиҳатлари билан ифодаланади. “Нафрат” концепти эса инглиз мақолларида қасос ва адоват билан боғлиқ бўлса, ўзбек мақолларида унинг зарарли оқибатларига урғу берилган. Ушбу мақола турли тиллардаги мақолларни таққослаш, таржима жараёнида учрайдиган лингвистик хусусиятларни ўрганиш ва маданий тадқиқотлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади” [3,144б.] Ушбу келтирилган хулосалардан қуйидагича хулосага келиш мумкин: “муҳаббат” концепти халқ мақолларида чуқур илдиз отган, бой семантик қатламга эга бўлган тушунча сифатида намоён бўлади. У шунчаки ҳиссий ҳолат эмас, балки халқнинг ахлоқий, эстетик, ижтимоий ва маданий дунёқарашининг ифодаси бўлиб хизмат қилади. Мақоллар бу тушунчани образли, қисқа, аммо чуқур маъноли шаклларда етказди. Шунинг учун ҳам муҳаббатни мақоллар орқали ўрганиш нафақат тилшунослик, балки маданиятшунослик, социология, психология ва ахлоқшунослик нуқтаи назаридан ҳам катта аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дарвешов И. Лингвокультурология. Наманган, – 2021. Б. 8-9.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Беш жилдлик. 2-жилд. Э–М. – Т., 2020. – 250 б.
3. Раҳимова Шаҳзода. Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. // Инглиз ва ўзбек тилларида муҳаббат ва нафрат концептига оид мақолларнинг чоғиштирма тадқиқи// 2025. Б.144.
4. Маматов Э. Замонавий тилшунослик. – Т., 2019. – 105 б
5. Мирзаев Т. Ўзбек халқ мақоллари Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик корпанияси Бош таҳририяти, 2005. – 257 б.